



## GENESIS OF INVESTIGATION AND PRELIMINARY INVESTIGATION, ITS SPECIFIC CHARACTERISTICS

**Ashirboyev Axrorjon Tirkash o'g'li**

Internal affairs of the Republic of Uzbekistan  
Academy of the Ministry of Investigation the head of the cabinet of the department,

E-mail: ashirboyevaxrorjon@gmail.com  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11258114>

### ARTICLE INFO

Received: 14<sup>th</sup> May 2024

Accepted: 22<sup>th</sup> May 2024

Online: 23<sup>th</sup> May 2024

### KEYWORDS

*Avesta, Islamic law, Tsarist Russia, custom, Qazi court, crime and punishment, preliminary investigation, the accused.*

### ABSTRACT

*In the article, the basis of the inquiry and preliminary investigation, the factors of its occurrence, the stage of development, and the actual situation are analyzed in detail in the article. Also, as a result of historical, scientific-theoretical analysis, the genesis of the development of inquiry and preliminary investigation in our country was systematized into six historical stages.*

## ГЕНЕЗИС ПРИОСТАНОВЛЕНИЯ ДОЗНАНИЯ И ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО СЛЕДСТВИЯ, ЕГО ОСОБЕННОСТИ

**Аширбоев Ахроржон Тиркаш угли**

Начальник кабинета кафедры Следственной деятельности

Академии МВД Республики Узбекистан

E-mail: ashirboyevaxrorjon@gmail.com  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11258114>

### ARTICLE INFO

Received: 14<sup>th</sup> May 2024

Accepted: 22<sup>th</sup> May 2024

Online: 23<sup>th</sup> May 2024

### KEYWORDS

*Авеста, исламское право, царская Россия, обычай, Казийский суд, преступление и наказание, предварительное следствие, обвиняемый.*

### ABSTRACT

*В статье подробно анализируются виды оснований приостановления дознания и предварительного следствия в досудебном производстве, факторы его возникновения, стадии развития, а также современное состояние. Также в результате исторического, научно-теоретического анализа генезис развития приостановления дознания и предварительного следствия в нашей стране был систематизирован на шесть исторических этапов.*

## СУРИШТИРУВ ВА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ТЎХТАТИШНИНГ ГЕНЕЗИСИ, УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аширбоев Ахроржон Тиркаш ўгли**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Тергов фаолияти  
кафедраси кабинет бошлиғи



E-mail: [ashirboyevaxrorjon@gmail.com](mailto:ashirboyevaxrorjon@gmail.com)  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11258114>

## ARTICLE INFO

Received: 14<sup>th</sup> May 2024  
Accepted: 22<sup>th</sup> May 2024  
Online: 23<sup>th</sup> May 2024

## KEYWORDS

*Авесто, Ислом ҳуқуқи, Чор Россияси, одат нормалари, Қозилик суд, жиноят ва жазо, дастлабки тергов, айбланувчи.*

## ABSTRACT

*Мақолада ишни судга қадар юритишда суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш асосларининг турлари, вужудга келиш омиллари, ривожланиш босқичлари ҳамда амалдаги ҳолати чуқур таҳлил қилинган. Шунингдек тарихий, илмий-назарий таҳлиллар натижасида юртимизда суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатишнинг ривожланиш генезисини тарихий олти босқичга бўлиб тизимлаштирилди.*

Ишни судга қадар юритиш босқичида суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш асосларининг турлари, вужудга келиш омиллари, ривожланиш босқичлари ҳамда амалдаги ҳолатини чуқур таҳлил қилиш ушбу институтни янада такомиллаштириш ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш имконини беради.

Тарихий, илмий-назарий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, юртимизда суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатишнинг ривожланиш генезисини қуйидаги тарихий босқичларга бўлиш мумкин:

**биринчи босқич** – “Авесто” асосида тартибга солинган давр (эрамизнинг VII–VIII асрига қадар Ўзбекистон ҳудудидаги мавжуд қадимги давлатларда жиноят ва жазо тизими одат нормалари ва зардуштийлик динининг асосий манбасига таянган);

**иккинчи босқич** – Ислом ҳуқуқи амал қилган давр (VIII асрдан то XIX асрнинг охирига қадар бўлган давр мамлакатимиз ҳудудидаги жиноят ва жазо одат ҳуқуқи билан биргалликда, шариат нормалари билан ҳам тартибга солинган);

**учинчи босқич** – Чор Россияси томонидан қабул қилинган нормалар амал қилган давр (1864 йилдан 1917 йилгача бўлган давр, Туркистон ўлкасида Чор Россияси томонидан ишлаб чиқилган Жиноят судлов ишларини юритиш низоми асосида амалга оширилган);

**тўртинчи босқич** – совет ҳуқуқи амал қилган давр (1917 йилдан 1991 йилгача бўлган давр, Совет давлатини шакллантириш даври жиноят-процессуал қонунчилигида тез-тез ва кўп сонли ўзгаришлар билан тавсифланади);

**бешинчи босқич** – 1991 йилдан 2017 йилгача бўлган давр (Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал кодекси ишлаб чиқилган);

**олтинчи босқич** – 2017 йилдан ҳозирги кунга бўлган давр (амалдаги Жиноят-процессуал кодексимизга ўзгартириш ва қўшимчалар натижасида суриштирув институти кириб келган). Қуйида ушбу босқичларга хронологик кетма-кетликда тўхтатилиб ўтамиз.



**Тарихий ривожланишнинг биринчи босқичи** – “Авесто” асосида тартибга солинган даврда (*эрамизнинг VII–VIII асрига қадар Ўзбекистон ҳудудидаги мавжуд қадимги давлатларда жиноят ва жазо тизими одат нормалари ва зардуштийлик динининг асосий манбасига таянган*) республикамиз ҳудудида мавжуд бўлган қадимги давлатларда жиноят ва жазо тизими эрамизнинг VII–VIII асрига қадар одат ҳуқуқи[1] ҳамда зардуштийлик динининг асосий манбаси бўлган “Авесто” китоби асосида тартибга солинган[2]. Бу даврда суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш тартибга солувчи бирон бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлмаган, бироқ айбланувчининг топилмаган пайтларида ишлар одат нормаларига асосан олиб борилган.

**Иккинчи босқич** – Ислом ҳуқуқи амал қилган даврда, (*VIII асрдан то XIX асрнинг охирига қадар бўлган давр мамлакатимиз ҳудудидаги жиноят ва жазо одат ҳуқуқи билан биргаликда, шариат нормалари билан ҳам тартибга солинган*) асосан, ислом ҳуқуқшунослиги фикҳни ўрганишган. Ислом ҳуқуқшунослиги ҳисобланмиш фикҳни ўрганиш Бухорий[3], Мотуридий[4], Форобий[5], Навоий[6] асарларида ҳам келтириб ўтилган.

Араблар босқинидан то чор Россияси босқинига қадар эса, мамлакатимиз ҳудудидаги феодал давлат тузилмаларида, яъни Хива ва Қўқон хонлиги ҳамда Бухоро амирлигида жиноят ва жазо тизими одат нормалари билан биргаликда, диний-исломий қарашлар сингдирилган шариат нормалари билан ҳам тартибга солинган[7]. Бу даврда жиноят ишларини юритувчи олий суд ҳокимияти сўзсиз равишда хон ва амирнинг назорати остида иш юритган[8]. Хон ушбу судга раислик қилувчи қози калонни, яъни олий судьяни лавозимга тайинлаган ва шу билан биргаликда, уни лавозимидан озод этиш ваколатига ҳам эга бўлган. Қозилик суд ишларининг юритилишида терговга қадар дастлабки тергов деган тушунчалар умуман бўлмаган[9].

Айниқса шахсларнинг айбини исботлаш ва уларни жавобгарлик ёки жазодан озод этишда айбига иқрорлик муҳим ўрин тутган. “Айбдорнинг ўз қилмишига иқрор бўлганлиги, ҳақиқатни аниқлашдаги энг яхши далил” эканлиги Бурҳониддин Марғилонийнинг “Ҳидоя”[10] китобида келтириб ўтилганлиги ушбу фикрларнинг яққол далолатидир.

Дарҳақиқат, араблар истилосидан кейинги даврларда жамиятда шаклланган нормалар буюк маданиятимиз ва қадимий меросимиз илдизларида чуқур из қолдиришига сабаб бўлди. Миллий ҳуқуқий тарихимизнинг ажралмас қисми деб ҳисобланган шариатнинг муҳим жиҳатларини бугунги кунда тадқиқ этган олимлардан М.А.Ражабова таъкидлаганидек: “минг йилдан ортиқ муддат давомида мамлакатимиз ҳудудида ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг асосий воситаси ижтимоий-сиёсий тузумнинг, ҳуқуқий маданиятимизнинг таркибий қисми бўлган шариат қоидаларини, унинг жиноят ва жазо билан боғлиқ қоидаларини илмий таҳлил қилиш, ижобий жиҳатларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга”[11].

XX асрнинг бошларига қадар юртимиз ҳудудларида жиноят-процессуал муносабатлар аниқ қонунлар билан эмас, балки ислом ҳуқуқи нормалари ёки бошқа турдаги умумий нормалар билан тартибга солинганлиги туфайли жиноят ишини қўзғатиш, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш, дастлабки терговни тўхтатиш деган



тушунчалар мавжуд бўлмаган. Фақатгина ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни қозилар ихтиёрига олиб келишдан аввал воқеага ойдинлик киритиш учун қисқа муддатли аниқлаштириш ишлари бўлган[12].

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ўша даврда кишилар ўртасида тартибга солинадиган муносабатлар ўзининг кўпгина жиҳатлари билан шариатдаги раҳбарий ғояларга асосланганлигига гувоҳ бўламиз. Буюк саркарда Амир Темурнинг: “Агар душманинг бош уриб паноҳингга келса, раҳм қилиб яхшилик ва мурувват кўрсатгил”, - [13] деган ҳикматли сўзларида ҳам афв этиш маъноси мавжудлигини кузатишимиз мумкин. Барчамизга маълумки, Соҳибқирон Амир Темур ҳукмронлик қилган вақт оралиғида шариат нормалари билан бир қаторда “Темур тузуклари”га ҳам амал қилинган[14]. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жавобгарликдан озод қилишнинг энг асосий турларидан бири бўлган томонлар ўртасида келишувга эришиш доимо ва ҳар бир даврдаги муҳим масалалардан бири бўлиб келган[15].

**Учинчи босқич** – Чор Россияси томонидан қабул қилинган нормаларга амал қилган давр *(1864 йилдан 1917 йилгача бўлган давр, Туркистон ўлкасида Чор Россияси томонидан ишлаб чиқилган Жиноят судлов ишларини юритиш низоми асосида амалга оширилган)*.

Айрим манбаларда бу норма мустақил процессуал шакл сифатида XIX аср ўрталарига бориб пайдо бўлганлиги баён этилади[16].

Б.Исмоиловнинг ёзишича, Туркистон ўлкасида 1864 йилги Жиноят судлов ишларини юритиш низомининг жорий қилиниши, терговни юритишни тўхтатиш ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш билан ҳаракатлар Туркистон ҳудудида шаклланганлигини кўрсатади[17]. Низомга мувофиқ, иккита асос келтирилган бўлиб, *биринчиси*, айбланувчи номаълум бўлганда уни ҳудудлар бўйича қидириб топиш, *иккинчиси*, айбланувчининг руҳий ҳолатини бузилиши билан ифодаланган. Эътиборга молик томони шундаки, келтирилган таҳлиллар натижасида суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатишнинг асосларининг шаклланиши шу низомга бориб тақалар экан.

Х.Х. Ботиров ўз ишларида бу даврда терговни тўхтатиш қоида тариқасида келтирилган бўлса-да, бироқ жиноят иши бўйича икки асос бартараф этилган тақдирда дастлабки тергов қайта тикланмасдан, иш юритиш давом эттирилганлигини маълум қилиб, асосий эътиборини дастлабки терговни тиклаш масаласига қаратган [18].

**Тўртинчи босқич** – совет ҳуқуқи амал қилган давр *(1917 йилдан 1991 йилгача бўлган давр, Совет давлатини шакллантириш даври жиноят-процессуал қонунчилигида тез-тез ва кўп сонли ўзгаришлар билан тавсифланади)*.

Мамлакатимиз ҳудуди совет давлати томонидан босиб олинганидан кейин, гарчи қозилик ва бийлик судлари томонидан шариат ва одат нормаларининг қўлланилиши тақиқланмаган[19] бўлса-да, жиноят ишларини юритиш тизимида айрим ўзгаришлар юз берган.

Марказий Осиё совет давлати томонидан босиб олинганидан кейинги Чор мустамлакачи маъмурлари томонидан чоризм манфаатларини ҳимоя этишни амалга оширувчи судлов органлари таъсис этилган ва айни бир пайтда қозилик ва бийлик



судлари сақланиб қолган[20]. Қозилик судларининг барча масалаларни кўра олмаслиги, қозилик ҳукмларидан норози бўлган фуқароларнинг империя судларига мурожаат қила олиши каби тартибларнинг жорий этилганлиги қозилик судлари нуфузининг тушишига сабаб бўлган[21].

Собиқ совет иттифоқи даврида жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўхтатиб туриш қуйидаги иккита йўналишда ривожланиб борди:

1) *жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўхтатиб туришни тартибга солувчи қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган;*

2) *илмий изланишлар натижалари бўйича дастлабки терговни тўхтатиб туришга оид тавсиялар, алоҳида турдаги жиноятларни тергов қилиш, уларни тўхтатиб туришининг назарий қоидаларига оид изланишларга доир ҳужжатлар.*

Ушбу даврда жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўхтатишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишини қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганиш мумкин:

#### **4.1. 1918 йил 20 июлгача РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 3-сонли “Суд тўғрисида”ги фармони.**

1917 йил октябр инқилобидан кейин ҳокимият Муваққат ишчи деҳқон ҳукумати қўлига ўтганидан сўнг 1917 йил 24 ноябрдаги “Суд тўғрисида”ги декрет билан барча амалдаги суд низомлари бекор қилинди. 1864 йилги Жиноят-процессуал Низомидаги қоидаларни бекор қилиб, янги ҳукумат унинг ўрнига ҳеч қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар чиқармади. Натижада суд фаолиятининг айрим йўналишларини тартибга солувчи кўплаб фармонлар, фармойишлар, кўрсатмалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар эълон қилинди, уларнинг айримларида иш юритишни тўхтатиш масалалари қисман ҳал этилди[22].

#### **4.2. 1922 йилда қабул қилинган РСФСРнинг Жиноят-процессуал кодекси.**

1917 йил октябр тўнтаришидан кейин Ўзбекистон ҳудудида жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи айрим маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, аммо собиқ Иттифоқ жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги асосида ягона қолипда ривожланган. 1922 йилда РСФСР Жиноят-процессуал кодекси қабул қилингандан кейин мамлакатимиз ҳудудида ҳам амал қила бошлади.

1922 йилда қабул қилинган РСФСР Жиноят-процессуал кодексида дастлабки терговни тўхтатиш деб номланган алоҳида бўлим ажратилмаган бўлиб, бироқ ушбу ЖПКнинг 200-моддасида агар тўпланган маълумотлар ва ўтказилган экспертиза айбланувчининг унга тегишли бўлган жиноят содир этиш пайтидаги ёки жиноят содир этилганидан кейин пайдо бўлган ақдан озган ҳолати аниқласа, терговчи ўз хулосаси билан ишни тузалиб кетгунга қадар тўхтатиб туриш тўғрисида қарор чиқариши белгиланган.

Бундан ташқари, иш юритувни тўхтатишга асос бўлувчи иккинчи ҳолат сифатида айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлганда, унга нисбатан қидирув эълон қилиниши мумкинлиги Кодекснинг 132-моддасида ўз аксини топган[23].

1926 йилнинг 16 июнида Ўзбекистон ССРнинг биринчи Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинган ва шу йилнинг 1 июлидан амалга киритилган[24]. Шу санадан



эътиборан 1922 йилдаги РСФСР Жиноят-процессуал кодексининг Ўзбекистонда амал қилиши тўхтатилган.

**4.3. 1923 йилдаги РСФСРнинг Жиноят-процессуал кодекси.** 1923 йилнинг 15 февralида Жиноят-процессуал кодексининг янги тахрири қабул қилинган бўлса-да, бироқ ушбу кодексда дастлабки терговни тўхтатишга доир нормаларда ўзгариш амалга оширилмаган. Аксинча, бу кодексда айбланувчи тариқасида жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган тақдирда жиноят ишини тугатиш кераклиги нормаси 17-бобида мустаҳкамланган[25].

**4.4. 1926 йилдаги РСФСРнинг жиноят-процессуал кодекси.** 1926 йилнинг 16 июнида Ўзбекистон ССРнинг биринчи Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинган бўлса-да, бироқ ушбу кодексда ҳам жиноят ишларини юритиш, шу жумладан иш юритишни тўхтатиш ҳақида арзирли ўзгаришлар содир бўлмаган. 1926 йилдаги ЖПК билан 1923 йилдаги РСФСР ЖПКнинг нормаларида, жиноят ишларини тергов қилиш давомида дастлабки терговни тўхтатиш масаласида жиддий фарқ қиладиган ҳолатлар мавжуд эмас. Ушбу ЖПКлардаги нормаларнинг тузилиши бир-бирига жуда ўхшаш ҳолатда шакллантирилган[26].

#### **4.5. 1929 йилдаги Ўзбекистон ССРнинг Жиноят-процессуал кодекси.**

Дастлабки терговни тўхтатиш билан боғлиқ норманинг алоҳида боб шаклида ифода этилиши илк мартаба ушбу кодекснинг олтинчи боби “Дастлабки терговни тўхтатиб туриш ва тугатиш” босқичига бағишланган бўлиб, ушбу боб ўзида бир қатор нормаларни қамраб олди. Жумладан,

- 55-моддада дастлабки терговни тўхтатиш асослари белгиланди:

*а) тергов қилинаётган шахснинг яшаш жойи ноаниқ бўлган тақдирда;*

*б) унинг руҳий касаллиги ёки шифокор томонидан тасдиқланган бошқа оғир касаллик ҳолатларида.*

- айблов эълон қилиш учун маълумотлар олинган ҳоллардагина тергов тўхтатилиши, агар терговда бундай маълумотлар бўлмаса, иш тўхтатилмасдан, балки тугатилганлиги, терговни амалга оширувчи шахс ишнинг моҳиятини ва терговни тўхтатишга олиб келадиган ҳолатларни баён этган ҳолда қарор тузиши ҳамда ишни назорат қилувчи органга юборганлиги;

- 56-модда шахснинг яшаш жойи ноаниқ бўлган ҳолларда уни топиш учун қидириш чоралирини кўриши кераклигини, топишни имкони бўлмаган ҳолларда 55-модданинг “а” банди билан жиноят ишини тўхтатиши мумкинлигини;

- агарда тергов қилинаётган шахс касаллиги туфайли иштирок эта олмаган ҳолатларда, тиббий кўриқдан ўтказилиши ва унинг касаллигини аниқлаш мақсадида тиббий муассасага жойлаштирилиши учун қарор чиқарилиши кераклигини, шахс тузалиб кетгунга қадар жиноят иши 55-модданинг “б” бандида назарда тутилган асосларга кўра тўхтатилиб турилиши, 57-моддасида жиноят ишини кўзғатишни рад этиш ва кўзғатилган жиноят ишлари тугатилиши кераклиги;

- 58-моддасида ишни тугатиш тўғрисидаги қарор терговчи томонидан чиқарилиши, бир нусхаси прокурорга ва бир нусхаси шикоят қилувчи томонга юборилиши тўғрисида;



- 59-моддасида жиноят иши бўйича айбланувчи шахс қидирилмасдан тўхтатилган ёки тугатилган жиноят ишлари қайта тикланиши тўғрисидаги;

- 60-моддаси жиноят иши бўйича айбланувчи шахсга тамомланган жиноят иши билан танишиб чиқиш ҳуқуқи борлигини тушунтириш, шикоят эътирозлари бўлган тақдирда баённомада кўрсатиши мумкинлиги, агарда тергов тўлиқ амалга оширилмаган тақдирда жиноят иши бўйича қўшимча ҳаракатлар олиб борилиши мумкинлиги тўғрисидаги;

- 61-моддасида жиноят иши бўйича айблов хулосасини тузиш асослари; 62-моддасида жиноят иши бўйича айблов хулосасини юбориш тартиби тўғрисидаги маълумотлар ўз аксини топган[27].

Кўриб турганимиздек, 1929 йилда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексида терговчилар томонидан жиноят ишлари юритиш давомида дастлабки терговни тўхтатишга доир бир қанча имкониятлар берилган.

Бир тарафдан олиб қараганда, мазкур ҳолат ижобий кўринишга эга бўлса-да, мазкур Кодексда тўхтатишни алоҳида процессуал шакл сифатидаги мақоми, жиноят содир этган шахс аниқланмаганда жиноят ишини тўхтатиб туриш эмас, балки тугатилиши кўрсатилганлиги, жиноят содир этган шахснинг яшаш манзили аниқланмаганда қандай процессуал ҳаракатлар амалга ошириши кераклиги, жиноят ишлари тўхтатилганидан кейин бошқа ХМҚО органлари билан қандай ҳамкорлик қилиши кераклиги кўрсатилмаган.

Бу эса ўз навбатида жиноят натижасида фуқароларнинг ортиқча сарсон бўлишларига, жиноят натижасида зарар кўрган шахсларнинг аризалар ўз вақтида кўриб чиқилмаслигига сабаб бўлган. Бироқ, эътиборли томони шундаки, салкам бир аср вақт ўтган бўлсада, 1929 йилдаги ЖПКда қайд этилган асосларнинг маълум бир қисми амалдаги ЖПКда ўз ифодасини топганлиги, ижтимоий муносабатларда уларнинг қанчалик муҳим ўрин тутиб келаётганлигини кўрсатади.

Айниқса, ўша давр учун “жиноят содир этган, яшаш манзили қаерда эканлиги номаълум бўлган вақтда унга нисбатан қидирув эълон қилиниши шарт эканлиги” ва “шахсга касаллиги туфайли тиббий кўриқдан ўтказиш, унинг қандай даражада касал эканлигини аниқлаш мажбурияти юкланганлиги” асосларининг қонунчиликда ўз ифодасини топганлиги, жамиятда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилган.

#### **4.6. 1959 йилдаги Ўзбекистон ССРнинг Жиноят-процессуал кодекси.**

1959 йилда қабул қилинган ЎзССР ЖПКда жиноят ишини тўхтатиш нормалари, асосан, “Дастлабки терговни тўхтатиш асослари” деб номланган 168-моддага киритилган эди[28].

Яъни:

1. Айбланувчининг яшаш манзили аниқ бўлмаганда;
2. Айбланувчининг руҳий ёки бошқа оғир касаллиги бўлган тақдирда, уни терговга қадар судга келишининг имконияти бўлмаган тақдирда;
3. Жиноят содир этган шахс аниқланмаган тақдирда.



Бу кодекснинг қувонарли жиҳатини кўриб турганимиздек, учинчи асоснинг (*жиноят содир этган шахс аниқланмаган тақдирда*) шакллантирилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари, 168-модданинг биринчи ва учинчи асосида кўрсатилган ҳолатлар фақатгина дастлабки терговнинг муддати тугаган вақтида амалга оширилиши мумкин бўлган.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 169-моддасида жиноят иши Ўзбекистон ССР ЖПКсида дастлабки тергов учун белгиланган муддат тугагунга қадар терговчи айбланувчининг турган жойини аниқлаш учун барча зарур чораларни кўриши шартлиги белгиланган бўлиб, агар айбланувчининг турган жойи номаълум бўлса, терговчи зарурат туғилганда айбланувчига қидирув эълон қилиши кўрсатиб ўтилган[29].

Ушбу кодекснинг 170-моддасида суд-тиббиёт эксперти ёки экспорт-психиатр айбланувчининг касаллигини айбланувчи ишни юритишда унинг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, унинг тергов ва судда бўлиш имкониятини йўқ деган хулосага келган тақдирда жиноят иши бўйича дастлабки тергов судгача бўлган муддатга қадар тўхтатилиши, айбланувчига нисбатан танланган эҳтиёт чораси ўзгратирилиши ёки бекор қилиниши белгиланган[30].

Яна бир жиҳати шундаки, терговчи шахсга нисбатан қидирув эълон қилиш учун унга нисбатан айб эълон қилган бўлиши талаб этилган, бундан ташқари, қидирувдаги шахс аниқланган тақдирда эса унга нисбатан прокурорнинг санкция билан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаши мумкинлиги кўрсатилган.

Кодекснинг 171-моддасида жиноят содир этган шахс аниқланмаган ҳолларда, дастлабки терговни тўхтатишга бағишланган. Бунда тергов органи томонидан айбланувчини аниқлашга қаратилган барча тергов ҳаракатлари амалга ошириб бўлинганидан кейин ҳам, жиноят содир этган шахс аниқланмаса прокурор рухсати билан дастлабки тергов тўхтатилган. Бундай ҳолларда тергов органи бошқа идоралар билан ҳамкорликни амалга оширган.

Х.Х.Ботиров ушбу Кодексда белгиланган айбланувчи аниқланмаган ҳолларда дастлабки терговни тўхтатиш учун рухсат олиш кераклиги бўйича нормага қарши эканлигини билдириб, қуйидаги фикрларини билдиради: “.....прокурорнинг дастлабки тергов устидан назорат функциясининг ўзи етарли, айнан тўхтатиш тўғрисидаги қарор устидан прокурор санкциясини олиш, биринчидан терговчининг фаолияти фақат бир жиноят ишига боғланиб қолишига сабаб бўлиши, иккинчидан тергови юритувидаги бошқа жиноят ишлари эътибордан четда қолиб, унинг асосий фаолияти секинлашишига олиб келиши мумкин”[31].

Фикримизча, Х.Х.Ботировнинг гапларида жон бордек, бироқ бу даврда иш юритиш советлар томонидан назорат қилинганлиги сабабли, бугунги кунда бу норма бизнинг кодексимизда ўз аксини топмаганлигини ҳам инобатга олиш лозимлигини маълум қилмоқчимиз.

Маълум бўладики, юқорида санаб ўтилган жиноят ишини тўхтатиш ва айбланувчиларга нисбатан қидирув эълон қилиш асосларининг бир қисми 1994 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси ЖПКда ўз ифодасини топган. Лекин шундай



бўлсада, Ўзбекистон ССР ЖПКсида жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўхтатиш асосларининг мазмуни ва уларни қўллаш шартлари аниқ белгилаб берилмаган.

**Бешинчи босқич** – 1991 йилдан 2017 йилгача бўлган давр (*Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал кодекси ишлаб чиқилган*) ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг давлатнинг янгича жиноий-ҳуқуқий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ўтказилган суд-ҳуқуқ ислохотлари, бутун дунёда демократияни ва инсон ҳуқуқлари устуворлигини қатъи таъминлашга қаратилган жараёнлар жадаллашгани таъсирида ишни судга қадар юритиш босқичлари такомиллашди[32].

Мустақиллик йилларида 1994 йилнинг 22 сентябрида Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят-процессуал кодекси замон талабларидан келиб чиқиб янада такомиллаштирилди, унга инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтиришга қаратилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди (етмишдан ортиқ қонунлар билан киритилган).

Амалдаги ЖПКнинг 45-боби “Дастлабки терговларни тўхтатиш ва қайта тиклаш”[33] деб номланди. ЖПКнинг 364-моддасининг биринчи қисмида дастлабки терговни тўхтатишнинг бугунги кундаги тўртта асоси белгиланди. Бинобарин, дастлабки тергов:

1) иш бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган;

2) айбланувчининг қаерда экканлиги номаълум бўлган;

3) айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган, башарти унинг терговга келишини таъминлаш имконияти бўлмаса;

4) айбланувчи ишни юритишда унинг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка чалинган ҳолларда тўхтатилиши назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ўРҚ-100-сон қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 365-моддасининг тўртинчи қисми қуйидаги “Ушбу Кодекснинг 242 ва 243-моддаларида назарда тутилган асослар (айбланувчи, судланувчи тергов ва суддан яширинганида) мавжуд бўлганда қидирилаётган айбланувчи топилган тақдирда, суднинг ажрими билан унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин”[34] қоидалари киритилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги 23-сонли “Руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 7-банди иккинчи хатбошисига асосан: “.....шахс тузалгандан сўнг жиноят ишини юритиш қайта тикланади ва шахс умумий асосларда жиноий жавобгарликка ёки жазога тортилиши мумкинлиги, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини бекор қилиш



ва жиноят ишени юритишни қайта тиклаш учун шахс даволанган психиатрия муассасаси шифокорлар комиссиясининг хулосаси асос бўлади[35]”,- деган нормалар киритилган.

Эътиборли жиҳати, мустақиллик йилларида амалдаги Жиноят-процессуал кодексимизнинг 45-бобида дастлабки терговни тўхтатиш алоҳида процессуал шакл сифатида шакллантирилди, қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан такомиллаштириб борилди. Бироқ, 1994 йилда белгиланган асослар бугунги кунга қадар ўзгартиришсиз қолдирилди.

**Олтинчи босқич** – 2017 йилдан ҳозирги кунга бўлган давр (*амалдаги Жиноят-процессуал кодексимизга ўзгартириш ва қўшимчалар натижасида суриштирув институти кириб келган*).

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-442-сон қонунига мувофиқ, ЖПКда ишни судга қадар юритиш шакллари сифатида, терговга қадар текширув ва жиноят ишени тергов қилиш босқичларига ажратилди (ЖПКнинг 320<sup>1</sup>-моддаси). Шу билан биргаликда, жиноят ишени тергов қилиш суриштирув ёки дастлабки тергов шаклида ўтказилиши белгиланди (ЖПКнинг 320<sup>3</sup>-моддаси).

Аҳамият берганимиздек суриштирувчи суриштирувни тўхтатиши мумкин. Қонунчилик буни ҳам назардан четда қолдирмаган албатта, хусусан, суриштирув институтининг процессуал қонунчиликка кириб келиши билан ЖПКнинг 381<sup>9</sup>-моддаси “Суриштирувни тўхтатиш” деб номланиб, суриштирувни тўхтатиш амалдаги ЖПКнинг 364-371-моддалари тартибида белгиланган ҳолларда тўхтатилиши назарда тутилди.

Шу билан бирга суриштирувчи томонидан фақат айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши тўғрисида қарор чиқарилган шахсга нисбатан қидирув эълон қилиниши мумкин[36] деган норма киритилди.

Сўнгги йилларда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар натижасида жиноят-процессуал муносабатларда суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатишга алоҳида эътибор қаратилди. Қонунчиликдаги бу ўзгаришлар, терговчиларнинг иш юритувидаги жиноят ишларини камайишига ва тергов органи томонидан жиноят ишени сифатли, тўла ва холисона ўтказилишида илк дебоча вазифасини бажарди.

Ривожланишнинг бу босқичида суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш процессуал шаклини янада такомиллаштириш, унинг қонунчиликдаги ўрни ва ролини ошириш, ишни судга қадар юритиш босқичида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, жиноят ишларини тергов қилишнинг самарадорлигини ошириш, суриштирувчи ва терговчиларнинг касбий фаолияти кафолатларини таъминлашга қаратилган бир қатор вазифалар амалга оширилди.

Лекин, шу билан бирга, суд-тергов амалиётининг таҳлили суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатишда замон талаби даражасида ривожланишига тўсиқ бўлаётган айрим муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Чунончи:



*биринчидан*, суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш 1994 йилда қабул қилинган ЖПКсида кўрсатилган асослар билан қолиб кетганлиги, ваҳоланки, мамлакатимизда 2020 йилнинг 16 мартдан бошлаб Covid-19 пандемияси бошланганлиги суриштирув ва дастлабки терговга чақирилиши лозим бўлган шахсларни олиб келишда бир қатор ноқулайликлар туғдириши ва ҳоказоларни келтириш мумкин;

*иккинчидан*, суд-тергов амалиётида, иш тўхтатилган вақтида, суриштирув ва дастлабки тергов органи томонидан дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида қарор чиқарилади. Зероки, жиноятларни тергов қилиш суриштирув ва дастлабки тергов шаклида ўтказилиши қонунчиликда белгилаб берилган. Суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида қарорлар намунасининг мавжуд эмаслиги, қарор чиқарилишида назария ва амалиётнинг ўзаро уйғунлашмаганлиги турли амалиёт вужудга келганлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатишнинг ривожланиш генезисининг таҳлили ва унинг ўзга хос хусусиятларини ўрганиш бу процессуал шаклни такомиллаштиришга, суд-тергов амалиётида юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишга, суриштирувчи, терговчилар учун республикамизда ягона амалиётни жорий қилишга хизмат қилади.

## References:

1. Исҳоқова С.А. “Ҳидоя”нинг мусулмон ҳуқуқи манбаи тизимида тутган ўрни // Ҳуқуқ-Право-Law.- 2003 – № 2. – Б.56.
2. Саидахмедов И. Давлат ва ҳуқуқ тарихи. –Ўзбекистон, 2006. – Б. 174; Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т., 2013. – Б. 384, 16.
3. [https:// qomus.info/encyclopediya/cat-b/buxoriy-uz/](https://qomus.info/encyclopediya/cat-b/buxoriy-uz/) [Электрон манба.] Мурожаат қилинган вақт 20.04.2024 йил.
4. Махмудова А.Н., Алишеров Ш.М. (2022). Имом Абу Мансур Мотуридий ва унинг Ислом динига қўшган ҳиссаси. Ёш тадқиқотчи журнали, 1(4). Б. 130-136.
5. [https:// ziyouz.uz/ilm-va-fan/manaviyat-yulduzlari/abu-nasr-farobiy-873-950/](https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/manaviyat-yulduzlari/abu-nasr-farobiy-873-950/) [Электрон манба.] Мурожаат қилинган вақт 20.04.2024 йил.
6. Мукамал асарлар тўплами. Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 1999 йил. Б. 224.
7. Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. – Т: Фан, 1974. – Б. 214; Рахмонов А. Шариатда инсон ҳуқуқлари // Ҳуқуқ-Право-Law. – Т. 1999. - №3. – Б. 79.; Мухтасар: Шариат қонунларига қисқача шарҳ, – Т.: “Чўлпон”, 1994. – 336 б.
8. Бакиров Ф. Чор Туркистонда суд, шариат ва одат. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 30.; Ражабова М. Шариатда қозини тайинлаш тартиби // Ҳуқуқ ва адолат: ўтмиш, бугун, истиқбол. – Т., 2009. – Б.37-38.
9. Исҳоқов С.А. Фиқҳ – мусулмон ҳуқуқшунослигининг шаклланиши // Ҳуқуқ-Право-Law. – 1999. – №3. – Б.83.



10. Исҳоқова С.А. “Ҳидоя”нинг мусулмон ҳуқуқи манбаи тизимида тутган ўрни // Ҳуқуқ-Право-Law.- 2003 – № 2. – Б.56.
11. Ражабова М. Шариатда жиноят ва жазо. Монография. – Т.: “Адолат”, 1996. – Б. 107.
12. Казийских судов и к 1928 г. На территории УзССР они перестали существовать с УзССР. – 1928.- №9. С.23.
13. Бобобеков Х. Темур тузуклари. – Т., 2014. – Б. 57.
14. Темур тузуклари / Х.Кароматов таҳририда. – Т.; “Ғофур ғулом”, 1996. – Б. 57.
15. Муродов Б.Б. Жиноят ишени тугатиш институтини такомиллаштириш: Юрид. фан. д-ри (DSc). ... дис. автореф. – Т., 2018. – Б. 29.
16. Судебные уставы 20 ноября 1864., Устав уголовного судопроизводства. С изолежнием рассуждений, на коих они основаны, изданные Государственной канцелярией.-Спб., 1867.
17. Исмоилов Б. Жиноят-судлов юритувида суд мустақиллигининг тарихий ривожланиш масалалари// Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2007.- №2.-Б.65.
18. Х.Х. Ботиров “Жиноят ишени юриштириш тўхтатиш ва қайта тиклаш институтини такомиллаштириш: юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Т., 2012.-28 Б.
19. Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. – Ташкент: Фан. 1974. – С. 109.
20. Мухитдинова Ф.Ф. “Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг қарор топиши ва ривожланиши” Юридик фанлар доктори дисс. автореферати. – Т. 2011. – Б 14, 16.
21. Тангиров Обид Эшмахматович. XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент шаҳрида қозилик судлари фаолиятига доир <https://kukaldosh.uz/14/03/2018/854>.
22. Рябчиков В. В. Приостановление и возобновление предварительного расследования : автореф. дис.канд. юрид. наук. Владимир, 2006. С. 7.
23. Уголовно-процессуальный Кодекс РСФСР 1922 года.
24. Уголовно-процессуальный кодекс УзССР 1926 года. – Самарканд, 1927. – С.70.
25. Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. – Ташкент: Узбекистан, 1974. С.19, 32.
26. Ражабов Б.А. Жиноят процессида исбот қилишнинг умумий шартларига оид қоидаларнинг ретроспектив таҳлили // <https://tadqiqot.uz/wpcontent/uploads/2019/04/huquq-2019-04/10-16.pdf>.
27. Уголовно-процессуальный Кодекс РСФСР 1929 года. С. 18-20.
28. Уголовно-процессуальный Кодекс РСФСР 1959 года. С. 248.
29. Уголовно-процессуальный Кодекс РСФСР 1959 года. С. 249.
30. Уголовно-процессуальный Кодекс РСФСР 1959 года. С. 249.
31. Х.Х. Ботиров “Жиноят ишени юриштириш тўхтатиш ва қайта тиклаш институтини такомиллаштириш: юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Т., 2012.-33 Б.
32. Раҳимов Ф. Суд-ҳуқуқ ислохотларининг амалий ижроси//Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ахборотномаси. – 2010. – № 1. – Б. 36–38.



33. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/> [Электрон манба.] Мурожаат қилинган вақт 20.04.2024 йил.
34. “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон <https://lex.uz/docs/> [Электрон манба.] Мурожаат қилинган вақт 20.04.2024 йил.
35. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги 23-сонли “Руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 7-банди. <https://lex.uz/docs/> [Электрон манба.] Мурожаат қилинган вақт 20.04.2024 йил.
36. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/> [Электрон манба.] Мурожаат қилинган вақт 20.04.2024 йил.